

Жаҳонда Сўзми



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг газетаси

28 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА № 247 (745).
Сотууда эркин нархда. 1993 йил.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ



ДЕПУТАТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўладиган республика Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар Сурхондарё вилоятидан сайланган халқ депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари учрашувининг асосий мавзун бўлди.

Республика Бош вазир-
(Ў.А.)

ВАЗИРЛАР МАҚАМАСИДА УЧРАШУВ

Британия Фанлар академиясининг аъзоси, Бомбей университети химия технологияси департаментининг бошлиғи доктор М. М. Шарма рақибларидан Ҳиндистон Республикаси фан ва технология департаменти делегацияси аъзолари 25 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасида бўлдилар. Бош вазирнинг ўринбосарлари М. Қорабоев ва А. Вознеко Ҳиндистонлик меҳмонларга Ўзбекистоннинг илмий-техникавий иқоматлари ҳамда бу борада хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларини хусусан сўзлаб бердилар. Делегация раҳбари Ўзбекистон бўйлаб сафари чоғида бир

качча вазирликлар ва илмий муассасаларга ташриф буюрган, бўлиб ўтган учрашувлар катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади. Доктор М. М. Шарма меҳмондўстлик ва ўзбекиона иззат-иқром учун мамнуният издор этди. Қизғин суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қиладиган ҳинд-ўзбек фан ва техника марказини ташкил этишга, яд-ро физикаси, биотехнология, соғлиқни сақлаш ва бошқа бир канча соҳаларда аниқ дастурлар тўзиб, улар устида биргаликда иш олиб боришга келишиб олинди.
(Ў.А.)

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ УН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси бугун, 28 декабрь кунини соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлис залда очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 28 декабрь кунини эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойсисада олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ УТҚАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

1993 йил 27 декабрда Қ. Аҳмедов раислигида марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. 181-Вобект округ комиссиясининг округидаги бир қанча меҳнат жамоаларининг таклифлари ва бошқа материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Н. Сайидовни депутатликдан чакриб олиш бўйича ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлиси баёнини кўриб чиқиш, марказий сайлов комиссияси шунини қайд этдики, халқ депутатлигини чакриб олишга тайёргарлик кўриб олишга тайёргарлик билан ушунга ўтказиш билан боғлиқ ҳамма тadbирлар Ўзбекистон Республикаси-

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

МАЪЛУМКИ, бугун Тошкентда ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси иш бошлайди. Ушбу сессия муҳокамасига бир қатор муҳим масалалар киритилган. Шунлардан бири «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Қонуни лойиҳасидир. Тўрт ойдир-ки, ушбу Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. Мазмуни-моҳияти жиҳатдан ўта муҳим масала бўлгани бонс у аҳоли бarcha табақаларида катта қизиқиш уйғотди.

Яқинда Тошкентда ушбу Қонуни муҳокамасига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда республика оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий мамлакатларнинг кўпгина мухбирлари қатнашдилар.

Матбуот конференциясини Олий Кенгаши Раисининг Матбуот ва ахборот бўлимининг мудири М. Миралимов олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Халилов конференцияни қисқача қирини сўзи билан очиб, шундай деди:

Ушбу учрашувининг алоҳида раъий маъносини бор: биз ҳаммамиз мустақил Ўзбекистон Республикаси парламентининг биринчи матбуот конференциясига тўланганимиз. Қалам соҳиблари ўз Ватани ва халқига, касбига, ишига садоқатли, жонқур кишилар эканлиги ҳеч қандай шубҳа тугдирмайди. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, Олий Кенгашимизнинг ўтган сессиясида «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунини» ҳақидаги Қонунининг тасдиқланганлиги «тўртинчи ҳокимият», яъни матбуотнинг давлат ҳаётидаги аҳамияти эътироф этилишининг исботи бўлди.

Хурматга, иззат-иқромга зўрлаб, талаб қилиб аришти бўлмайди. Унга саазовор бўлиш керак.

Назаримда ҳақиқий журналист ҳаммиз вазилини билан иш кўриши, етти ўлчаб бир кесилиш керак. Чунки, улар зиммасидаги кик оғир у ҳам ташаббускор ҳам дардаш ва жафокан, ҳам назоратчи бўлиши лозим. Энг асосийси, у ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиб, Она юртининг истиқбол учун ҳар нарсасга тайёр туриши керак. «Олий Мажлиста сайлов тўғрисидаги» Қонуни лойиҳаси учрашувининг учун мазму қилиб олинганлиги бежиз эмас. Зеро, республикамизнинг сиёсий ҳаётида тутадиغان ўрни жиҳатидан, жамиятимизни янада демократлаштириш йўлида ушбу Қонуни Конституция миздан кейинги ўринда туради. Олий давлат органининг келгусида қандай бўлиши, республикамизда исло-

ҳотларнинг амалга ошиши, қонунийлик фаолиятининг ривож, давлатимизнинг суверенитети ва истиқлодини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан мажкур ҳужжатга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам лойиҳа устида бир йил давомида ишланди. Аввалги сессиямизда биринчи ўқишда қабул қилиниб, халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Шундан кейин тўрт ойга яқин вақт ўтди. Шу давр ичида лойиҳа хусусида тушган барча таклифлар, мулоҳазалар ўрганиб чикилиб, энг маъбуллари лойиҳада аниқ эттирилди.

Республикамиз Конституциясини тайёрлашда комиссия раиси Исро Абдуғаниевич бошчилигида хорижий давлатларнинг ҳам, собиқ Иттифоқ тарихида бўлган республикаларнинг ҳам тажрибасини синовчилик билан ўрганилганимиз жуда асосли. Натижанда халқаро мифеда ниҳоятда нуфузли Конституция қабул қилишга муваффақ бўлдик.

Ушбу Қонуни лойиҳасини тайёрлашга киришишдан олдин ҳам Германия, Австрия, Швеция, Франция, Португалия, Италия, Хитой Халқ Республикаси, шунингдек, Литва, Латвия, Молдова, Грузия, Украина ва Россия давлатларининг тажрибасини ўргандик. Лойиҳани тайёрловчи ишчи гуруҳимиз аъзолари ишчи депутатлар, олимлар, мутахассислар бошқа республикаларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб чикиди.

Қонуни лойиҳасининг асосий хусусияти республикамиз Конституциясини таллабларига тўлиқ мос ҳолда ишлаб чиқилганлигиндир. У Украина, Қозғистон, Қирғизистон каби Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг мутахассислари томонидан синовчилик билан ўрганиб чикилди ва қуйидаги мазмунда баҳо олинди: «Қонуни лойиҳаси профессионал даражада тайёрланган, унинг қондалари эса демократия ривожланган мамлакатлар сайлов тизимларининг умум томонидан қабул қилинган меъёрларига, Европа, шунингдек жаҳон назарияси ва амалиётига жавоб беради».

Президентимиз ташаббусин билан ушбу лойиҳа Америка Қўшма Штатларида ҳам хар томонлама экспертизадан ўтказилди. Лойиҳа Вашингтондаги Америка Адвокатлари Уюшмасида, бошқа институтлар ва лорифуналларда диққат билан ўрганиб чикилди. Америка Қўшма Штатларининг республикамиздаги ҳозирги аъзоси Герди Л. Кларк жаноблари юрдопларининг хулосаларини, лойиҳанинг хар бир моддасини бўйича билди-

рилган фикр мулоҳазаларини бизга шахсан топширди. Америкалик мутахассислар лойиҳани ижобий баҳолашган. Шундан сўнг Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Эркин Ҳамдамович Халилов журналистларнинг саволларига жавоб берди. САВОЛ: — Тушайтган бир қатор таклифларда сайловлар чоғида Қонуни бузгачи учун сайловчиларга жавобгарлик белгилаб қўйилиши сўралмоқда. Илгарий бюллетенларни сохта-лаштириш учун жавобгарлик белгиланган эди. Бундай чора ниги Қонуни лойиҳасида акс этмаган. Бу ҳақда қандай фикрларингиз? (С. Муҳиддинов, «Жаҳд сўзи» газетаси).

ЖАВОБ: — Ҳақиқатан, бу жуда муҳим норма, деб биламиз. Муҳокима давомида мутахассислардан, фуқаролардан шу мазмундаги таклифлар кўп тушди. Ишчи гуруҳи буни инобатга олган ҳолда Қонуни лойиҳасининг ишчи тахририга яниг 50-моддан киритди.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ


БИР ҚИШЛОҚДА ЎН УЧТА КИЧИК КОРХОНА

ЎРТА ШАҲРИХОН қишлоқида ҳозир 13 та кичик корхона, 3 та фирма, 11 та хусусий воситачилик дўкони ишлаб турибди.

БУНДАН ташқари, учта фермер хўжалиги ташкил этилиб, кўпгина ишчилар жалб этилди. «Гулшан» кичик корхонасида эса мактабни битирган ёшлардан 15 нафари пиноччилик, косиблик, нақошлик касбини ўрганимоқда.

ХОҲЛАНГ ТИРИГИНИ, ХОҲЛАНГ ДУДЛАНГАНИНИ ОЛИНГ

СУРХОНДАРЕ Балчиқлик комбинатининг 430 таюблик дөззаларида бор-йўти тўқиз икки моҳият қилади. Ҳолос. Аммо улар ўз касбларининг устаси бўлганлари бонс зиммалардаги вазифани бекуму кўст бажариш-апти. Бу йилги мавсумда улар свадо шаҳоб-чаларига камида 350 тонна таисқи твом өтказиб беришмоқчи. Бу махсуслотнинг бир қисмин комбинатда ишга тушган яниг цеда дудла-ниб, свадога чиқарилади.



ВОЗОРСИЗ ШАҲАР ҚАНДА БОР ЭНЕГЕТИКЛАР шаҳри Ширинда усти ёшиқ бозор қуриладиган бўлди.

СИРДАРЕ ГРЭСИ маъмурияти бозор қурилиши учун 16 миллион сўм маблағ ажратди. У ишга тушгач, ширинликларни мева, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа кундалик истеъмолдаги моллар билан таъминлаш анча яқинланади.

Шу пайтгача шаҳарга ион Гулистондан келтирилди. Яқинда Ширинда ион заводи ҳам ишга тушди. Бундан ташқари корхона маъмурияти энергетиклар уй-жойларини газлаштириш чораларини кўрмоқда.

ҲЕЧ КИМ ИШСИЗ ҚОЛМАДИ

АҚОЛИ энг жойлашган Асака туманида одамларни иш билан таъминлаш муаммоси режалаштирилди.

СОЛИЯХОН Тошлонова номидаги жамов хўжалигида пиллани қайта ишлайдиган, сабзавот ва мева консервалари тайёрлайдиган цехлар очилди. 170 киши доимий иш билан таъминланди. Хўжаликда дурадгорлик цехи, тегириком, мойкувот ҳам ишлаб турибди.

Тумандаги «Соҳибкор», «Навоҳор», «Наврўз» хўжалиқларида ҳам тивувчилик цехлари ва гишт заводи қурилиб, ёшлар ишга олинди.

АҲОЛИ ВУЮРАЯПТИ, ЗАВОД ТАПЕРЛЯПТИ

САМАРҚАНД «Кино» заводи жамосини китсоний ноҳор аҳдодан қўтлуши йўларини ишлаб топмоқда. Корхона усталарига якини агрофагга тонадонлардан, соғутич компрессорларини солаб бериш борасида кўплаб буюртмалар тушмоқда. Аниқлий Соьков (суратда) наби усталар бу техника воситаларига «кичиники умр» бахш этиб, эгаларига қайтарышмоқда.

ЯНГИ НИЛДА САВДОГА ЧИҚАДИ ЧОРТОҚ туманидаги Навоий номили жамов хўжалигида тилам ва полос тўқилдиган цех очилди.

ЦЕХГА ишга қабул қилинган 30 нафар уй бекаси тўқий бошлаган махсуллар яниг йилдан дўконларга чиқарилади. Гилам ва полосларнинг арзон нархда соти. иш қишлоқ аҳли учун айна мударо бўлди.

Хўжаликда трикотаж ишлаб қ қарадиган сабатлов ва меваларни қуридаги иш цехи очилиши ҳам режалаштирилди.

ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ВОКЕЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ВОКЕЛАР

(Давоми 3-бетда).

Зуфия МУМИНОВА

ИЗЛАРИНГИЗ ҚАБОҚЛАРИМ
УЗРА ҚҲЙДИМ



Изларингиз қабоқларим узра қўйдим
Сўзларингиз сўроқларим узра қўйдим
Енингизда кимдир бахтли бўлсин учун
Сиз жонини йироқларим узра қўйдим.

Опиладим, қароқларим узра қўйдим,
Қулмонини қулмоқларим узра қўйдим,
Дилдаги майсаларга бостириб тош
Шамларим, чироқларим узра қўйдим.

Гоҳ мунгли ҳайларим устун келиб,
Қораладим, сўнг оқларим узра қўйдим,
Қароқчилар урган қўрғон — қулаганим,
Қўниан кемам, чорлоқларим узра қўйдим.

Тилларингиз тирноқларим узра қўйдим,
Оқ сочларим тароқларим узра қўйдим,
Бу дунёда учратиш йўқ васлингизни
Қиематда қурмоқларим узра қўйдим.

Қор ёғаётганда...

Ёғаётган қорга қарасам
Йиғлагим келаверади.
Нега? Негадигини ўзим ҳам
Билмайман. Қай тун, қор
Ёғаётган тун қўчиб уйғонди.

Ларин эслайман: «Ёғаётган
қор ҳам тошга меҳмондир».
Тошнинг меҳмони, у қанчалик
оқ, қанчалик йириқли бўлмасин
барибир кетгучидир —
ганиматдир. Эҳтимол қор
қанимат сўзини эслатгани
менга ғанимат — бу сўзи

«Нега йиғлаясиз қорга тўрмулиб»,
Билмадим, тозадид ёрим, билмадим.
Қар қалай қор ёғар, жингитна, сокин,
Бу менга нечачки қорим, билмадим.

Тавоним тошга тушди
Ўжроним бошга тушди.
Ўжроним бошга тушди,
Ўжроним бошга тушди.

Дунё яхши, дунё гул дедим,
Дунё ёмон — деди ёмонлар,
Яхшиларга етиб келгунча
Ўжроним еди ёмонлар.

Тароқ ташлаб ўтарман,
Тароқдан тоғлар ўсиб
Еш йўлини ёлғайди.
Тошдан табарлар кесиб
Аждарларни қоптайди.

СОВГАЛАР
УЛАШИЛДИ

СУРХОНДАРЁ вилояти
докимининг 3 декабрдаги
иш кўни шихонада эмас,
Жарқўрғон тумани Норали
Боймуродов номли жамоа

СПОРТ
СПОРТ

Миллий курашга
бефарқ бўлолмайман

УЗБЕК халқи ўзининг турли-туман оммавий спорт
турларига эга. Мустақиллик нури остида бу соҳада
янги йўллар очилганлигининг гувоҳимиз. Муваф-
фақиятлардан қувонувчи, албатта. Лекин камчиликлар-
дан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Хиндистонда
МАЛАКА
ОШИРАДИЛАР
Республикамизнинг бир
гурӯх ёш журналистлари

Каминга ҳозир 84 ёшда,
республикамизда миллий ку-
рашга ўттиз йиллик ум-
рашга эътибор бирмунча су-
римли республикамизда
миллий курашнинг ривож-
ланишига сарфлаганам.

Халқ сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64606.

АРЧА КЕЛТИРИЛАДИ

Ўзбекистонликлар ҳам
барча қатори янги йилини
арчаларни безатиб кўтиб
олишга ўрганган. «Ўзбек-
савад» уюшмаси ходимла-
ри ташаббускорлик ва
омилкорлик қилганда,



Кўрик-танловда қатнашинг!

Республика Хотин-қизлар
қўмитаси «Ижодкор» жам-
ғармаси билан ҳамкорликда
1994 йилнинг 1 январидан
Халқаро оила йили муно-
сабати билан Ўзбекистонда

САРВОЗОР
АВТОСТАНЦИЯСИ

Ғаллоқролда йўловчилар
қўйилмаслиги учун барча
шароитлар яратилди. «Ўз-
автоқурилиш» трести 35
миллион сўм сарфлаб Сар-

ВАЗИРЛИК, ИДРА, КОРХОНА,
ТАШКИЛОТ ВА ФИРМАЛАР
РАХБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Табиати муҳофаза қилиш соҳасида янги қаш-
фиётларингизни намойиш этишини ёки шу соҳадаги
фан — техника ютуқлари билан таъишишини иста-
сангиз,

ОЛТИ КИЛОГРАММ ВАЗН ЭВАЗИГА
1,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

ЖАҲОН теннис майдонида оламшумул асосда содир
бўлди. У кўнги йилларда ушбу спорт туридан кўп
миллионлаб долларларнинг аяматган Германия давлати-
нинг Мюнхен шаҳрида юз берди.

ТУҲФАТ ОДИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўр-
саган мураббий, фахрий
спорт устаси.

Бирок кўтилмаганда Чехия
теннисчиси Петр Корда ярим
финалда Сампрасни, финалда
Штихти мағлубиятга уч-
ратиб, турнирнинг бир мил-
лион 625 миң долларлик бош
мукофотини қўлга киритди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Бош муҳаррир: Аниар ЖУРАБОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаб БОЙҚАЗИМОВ, Эсирғаб ВОЛИЕВ [масъул котиб], «Халқ сўзи», Эриш ВО-
ХИДОВ, Мирямма МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Леа ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное
слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъ-
ул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲИЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммад-
жон ҚОРАБОВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.

РОВИЯ а-
нинг вафот этганлиги муно-
сабати билан чуқур таъзия
изҳор этади.

Республикамизнинг бир
гурӯх ёш журналистлари
Хиндистонда
МАЛАКА
ОШИРАДИЛАР
Республикамизнинг бир
гурӯх ёш журналистлари